QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 19 » октябрь №ПҚ–380

Таълим ва илм-фан вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–213-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимдан кейинги таълимгача бўлган барча босқичларида **ягона давлат сиёсатини изчил амалга ошириш**, янги таълим тизимини яратиш, таълим мазмуни ва стандартларининг узвийлигини таъминлаш, натижадорлик кўрсаткичларига асосланган самарали ва жамоатчилик олдида ҳисобдор бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган **асосий мақсадлар** этиб белгилансин:

   (а) таълимнинг барча босқичларини ягона вертикал асосида бошқариш, таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган вазифа ва функциялар такрорланишини бартараф этиш орқали **ягона самарали бошқарув тизимини жорий этиш**;

   (б) мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва малака талабларини ягона тизимда мувофиқлаштириш, битирувчиларни меҳнат бозори эҳтиёжларига мос равишда тайёрлаш орқали **таълим мазмунининг узвийлигини таъминлаш**;

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

(в) илмий салоҳиятни бирлаштириш орқали илмий кластерлар ва тадқиқот университетларини ташкил этиш, илмий натижаларни тижоратлаштириш, иқтидорли ўқувчиларни мактаб давриданоқ илмий фаолиятга жалб қилишнинг узлуксиз тизимини яратиш орқали **илм-фан ва олий таълим интеграциясини таъминлаш**;

(г) таълим олувчи шахсларнинг таълим траекториясини қамраб олувчи ягона рақамли платформани такомиллаштириш, таълим ташкилотлари фаолияти ҳамда ўқувчи ва талабалар билимини халқаро баҳолаш тадқиқотлари натижалари ва аниқ самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш, шунингдек, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш орқали **натижадорликка йўналтирилган ва ҳисобдор бошқарув тизимини жорий этиш**.

II. Таълим ва илм-фан вазирлиги фаолиятини ташкил этиш

2. Таълим ва илм-фан вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) таълим, илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

3. Қуйидагилар:

(а) Таълим ва илм-фан вазирлиги фаолиятининг **асосий йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

(б) Таълим ва илм-фан вазирлиги тизимида амалга оширилаётган **ташкилий ўзгаришлар дастури** 2-иловага мувофиқ;

(в) Таълим ва илм-фан вазирлигининг **ташкилий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

(г) Таълим ва илм-фан вазирлиги, унинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда тизимидаги агентликлар жами бошқарув **ходимларининг умумий чекланган сони** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, Вазирлик марказий аппарати тузилмасида Рақамли трансформация ва ахборот сиёсати департаменти, Молия, инфратузилма ва ресурслар департаменти, Тарбия, болалар ҳуқуқини

ҳимоя қилиш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш департаменти ташкил этилади ва уларнинг раҳбарлари тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим ва илм-фан вазирига таълим ва илм-фан соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

(а) маҳаллий ва хорижий мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида жалб қилиш, шунингдек, консалтинг, экспертлик, таҳлилий ҳамда таълим менежменти ва молиявий бошқарув бўйича малака ошириш хизматларини “**таклиф сўрови**” тартиб-таомили асосида харид қилиш;

(б) ушбу қарорда белгиланган вазифаларни бажариш учун штат бирликларини малакали мутахассислар билан тўлдириш мақсадида, истисно тариқасида, Вазирликнинг марказий аппаратига **2027 йил 1 февралга қадар** ходимларни тўғридан-тўғри суҳбат асосида ишга қабул қилиш.

6. Белгилансинки:

(а) Вазирликда **аутсорсинг асосида** қуйидаги фаолият йўлга қўйилади:

(i) аҳоли мурожаатлари, шикоятлари, таклифлари ва эътирозларини қабул қилиш, уларни тезкор кўриб чиқиш ҳамда тегишли ташкилотларга йўналтиришни таъминлаш мақсадида “**Call-марказ**”;

(ii) аҳоли ҳамда таълим ва илм-фан тизими ходимлари билан тизимли мулоқотни таъминлаш, таълим хизматлари сифати, оммабоплиги ва мавжуд муаммолар юзасидан тезкор ахборот олиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида **қайта алоқа тизими**;

(б) Ўзбекистон Республикаси таълим ва илм-фан вазири ҳузурида таълим олувчилар, талабалар, ота-оналар, педагоглар ва иш берувчилар вакилларидан иборат **Таълим бўйича жамоатчилик кенгаши** ташкил этилади;

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

(в) Вазирлик ҳайъати Ўзбекистон Республикаси таълим ва илм-фан вазири (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, Вазирлик ҳузуридаги агентликлар директорлари, шунингдек, етакчи олий таълим ташкилотлари ректорлари, олимлар ва педагоглар орасидан **15 нафар** аъзодан иборат таркибда тузилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида **Инсон капиталини ривожлантириш ва узлуксиз таълим стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) ташкил этилсин.

8. Қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг Вазирлик билан биргаликдаги асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) инсон капиталини ривожлантириш ва узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришнинг **устувор йўналишларини** белгилаш ҳамда мазкур йўналишлардаги ислоҳотларни назарда тутувчи **умуммиллий концепцияни** ишлаб чиқиш;

(б) узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари, босқичлари ва муддатларини белгилашни назарда тутувчи **стратегияни** ишлаб чиқиш;

(в) узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини **баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш**, белгиланган вазифаларнинг ижросини **мониторинг қилиш** ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан **таклифлар** киритиш;

(г) Вазирликнинг асосий **вазифалари**, **функциялари**, **ваколатлари** ва **жавобгарлик** доирасини аниқ белгилаш, шунингдек, функцияларнинг такрорланиши ва ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(д) илғор жаҳон тажрибаси асосида Вазирлик фаолиятини **самарали ташкил этиш**, бошқарув жараёнларини **мақбуллаштириш** ҳамда замонавий **бошқарув усулларини жорий этиш** бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(ж) меҳнат бозори эҳтиёжларига мос узлуксиз таълим тизимини **шакллантириш**, таълим хизматлари бозорида **рақобат муҳитини ривожлантириш** ҳамда **хусусий секторнинг** узлуксиз таълим тизимида иштирокини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

9. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланади;

(б) Ишчи гуруҳ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг маслаҳатчиси Н.Э. Давлетова томонидан мувофиқлаштирилади;

(в) Ишчи гуруҳ таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари томонидан тасдиқланади;

(г) Ишчи гуруҳ фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Вазирлик ҳузурида **Инсон капиталини ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилади. Бунда Жамғарма маблағлари халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлардан тушадиган ҳомийлик ва молиявий ёрдам маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади;

(д) Ишчи гуруҳга мутахассислар шартнома ёки жамоатчилик асосида жалб этилади. Бунда Ишчи гуруҳ аъзоларини рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма ҳисобидан қопланади.

10. Таълим ва илм-фан соҳасидаги муаммолар ва устувор йўналишларни аниқлаш, далилларга асосланган муқобил ечимларни ишлаб чиқиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида Вазирлик ҳузурида **Таълим ва илм-фан бўйича стратегик тадқиқотлар ва баҳолаш маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин. Бунда Марказ штат бирликлари Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Ўзбекистон Республикаси таълим ва илм-фан вазирига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига 2026 йилда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрлари доирасида қайта тақсимлаш ва тасарруф қилишга рухсат берилсин.

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

12. Қуйидагилар:

(а) Вазирлик – Тошкент шаҳри Олмазор тумани Университет кўчаси 7-уй манзилидаги бинога;

(б) Вазирлик тақсимотига кўра тизим ташкилотлари – Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 2а-уй манзилидаги бинога оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзbekистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбарининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари О.А. Хакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–380-сон қарорига
1-илова

Таълим ва илм-фан вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари

1. Ягона давлат сиёсати ва бошқаруви йўналишида:

(а) барча таълим турлари бўйича ҳамда илм-фан ва инновациялар соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, барча таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, соҳаларни стратегик ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

(б) барча таълим турлари бўйича халқаро талаблар асосида давлат таълим стандартлари, талаблари ва ўқув дастурларини жорий этиш, таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини юритиш ва халқаро тадқиқотларда иштирок этиш;

(в) Янги Ўзбекистон авлодини тарбиялашга қаратилган миллий тарбия модели – миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ҳис этадиган, мустақил ва танқидий фикрлайдиган, маънавий баркамол, фаол фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантиришга қаратилган ягона миллий тарбия тизимини яратиш;

(г) натижадорликка йўналтирилган ва маълумотларга асосланган бошқарувни жорий этиш, тизимнинг очиқлиги ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини ошириш;

(д) таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, таълим ташкилотларини аккредитациялаш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятини тартибга солиш.

2. Мактабгача таълим ва тарбия йўналишида:

(а) ҳар бир болага сифатли мактабгача таълим олишда тенг шароит ва имконият яратиш, қамровни кенгайтириш, мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ва инклюзив муҳитни ривожлантириш;

(б) ўйинга асосланган миллий ўқув дастурини жорий этиш, болаларнинг саломатлиги, соғлом овқатланиши, хавфсизлиги ва мактабга тайёрлигини таъминлаш.

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

3. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим йўналишида:

(а) замонавий педагогик технологиялар асосида ўқув ва тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига касбга йўналтиришнинг самарали шакл ва услубларини жорий этиш орқали ўқувчиларни катта ҳаётга тайёрлаш, касб ва хорижий тил эгаллаб чиқишини;

(б) иқтидорли ёшларни аниқлаш, саралаб олиш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш.

4. Касбий таълим йўналишида:

(а) техникум ва корхоналар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда дуал таълим тизимини ривожлантириш;

(б) "ҳаёт давомида ўқиш" тамойилини татбиқ этиш, шунингдек, ишсиз, иш қидираётган ва хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касбга ўқитишни ташкил этиш.

5. Олий таълим ва илм-фан йўналишида:

(а) олий таълим ташкилотларида халқаро мезонларни жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнини ташкил этиш меъёрларини белгилаш ҳамда таълим ташкилотлари бошқарувини ва педагог кадрларининг касбий кўникмаларини ривожлантириш;

(б) илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида давлат илмий дастурларини шакллантириш, илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, рационализаторлик фаолияти ҳамда стартап экотизимини ривожлантириш.

6. Таълим мазмуни, сифати ва тарбия йўналишида:

(а) таълим олувчиларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалар ҳуқуқлари, хавфсиз таълим муҳити ва психологик қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

(б) педагог ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, педагог касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

(в) қўшимча ва норасмий таълимни ривожлантириш.

7. Инфратузилма, рақамлаштириш ва ҳамкорлик йўналишида:

(а) барча таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

(б) соҳани рақамлаштириш, сунъий интеллектни ривожлантириш, давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш;

(в) нодавлат таълим секторини қўллаб-қувватлаш, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

(г) халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма таълим ва илмий дастурларни амалга ошириш бўйича халқаро алоқаларни ривожлантириш, грантлар ва инвестицияларни жалб қилиш.

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–380-сон қарорига
2-илова


Таълим ва илм-фан вазирлиги тизимида амалга оширилаётган ташкилий ўзгаришлар ДАСТУРИ

Т/р	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Амалга оширилаётган ташкилий ўзгаришлар	Амалга оширилаётган ташкилий ўзгаришларга оид қоидалар ва изоҳлар
1.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги **Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги**	Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузурида **Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги** ташкил қилинмоқда.	Билим ва малакаларни баҳолаш материалларини ишлаб чиқиш йўналишида ягона ташкилот ҳисобланади. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий марказининг амалдаги штатлари молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига ўтказилади.
2.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг **Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази**		
3.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги **Республика таълим маркази**	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази **фаолияти тугатилмоқда.**	Республика таълим марказининг амалдаги штатларидан 29 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказига, 30 таси А.Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институтига ўтказилади.

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–380-сон қарорига
3-илова

Таълим ва илм-фан вазирлигининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ. Вазирлик тизимидаги давлат олий таълим ташкилотлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

** Касбий таълим агентлиги тизимига техникумлар киради.

QMMB: 07/26/380/1053-son
21.10.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 19 октябрдаги ПҚ–380-сон қарорига
4-илова

Таълим ва илм-фан вазирлиги, унинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда тизимидаги агентликлар жами бошқарув ходимларининг УМУМИЙ ЧЕКЛАНГАН СОНИ

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари	Жами бошқарув штат бирлиги
Таълим ва илм-фан вазирлиги тизими	**5 364**
Таълим ва илм-фан вазирлиги	**4 829**
шундан ўринбосарлар сони	*4*
Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги	**84**
шундан ўринбосарлар сони	*2*
Инновацион ривожланиш агентлиги	**86**
шундан ўринбосарлар сони	*2*
Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	**172**
шундан ўринбосарлар сони	*2*
Касбий таълим агентлиги	**193**
шундан ўринбосарлар сони	*3*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1